

МАЪРИФАТПАРВАР ИНСОН ЭДИ...

КУТУБХОНАШУНОС ВАЛИЖОН МАҚСУДОВ (1895 – 1981)
ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНАДИ



Шоҳида Шокирова,
Бобур номидаги
Андижон вилоят
Ахборот-кутубхона
маркази етакчи
кутубхоначиси

Мақсудов Вали
Мақсудович 1895
йил 1 март куни
Андижон шаҳрида
дехқон оиласида
туғилган. Ўрта
маълумотни
1902 – 1916
йилларда ўша
даврдаги эски
мактабларда
олган

» **C**айёрамиз бўйлаб инсон онги ва қалби учун жиддий кураш бораётган айни паллада зиёлилар, ижод аҳли, айниқса, маърифатчи-кутубхоначилар ҳар қачонгидан масъулиятлироқ бўлмоғи бугуннинг талаблариданdir.

«Жаҳолатга қарши маърифат» гояси руҳида ахборот-кутубхона муассасаларида иш фаолиятини ташкил этиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу ўринда устозлар умри, тиним билмай қилган меҳнатларининг самараси, биз – келгуси авлод кутубхоначиларига қолдирган мерос ва ибратларини ўрганиш, энг яхши жиҳатларини ўзимизга сингдириш ҳам бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларимизнинг муҳим бир жиҳатидир.

Айтишларича, бир дараҳт бор экан. Ҳар тонг оппоқ бўлиб гуллар, кечга бориб эса шоҳида биттаям гул қолмас экан. Чунки унинг гулларини минглаб асаларилар олиб кетишар экан. Устозлар ҳам худди шу дараҳт каби гуллайди. Шу азим дараҳтдай шогирдларига илмни илинади, ўргатади, бошини силайди, керак бўлса, ота-онаси каби меҳр бериб ардоқлайди. Андижоннинг энг биринчи кутубхоначилик касбини ардоқлаган инсонлардан бири Мақсудов Вали Мақсудович бўладилар. Ҳозирги кунда бу устозимизни таниган, у билан биргаликда ишлаган кутубхоначилар барномоқ билан санаарли. Лекин бу устозларимизнинг Валижон aka ҳақидаги хурмат билан ёдга олган хотиралари ҳам беихтиёр катта қизиқиш ўйготади.

Мақсудов Вали Мақсудович 1895 йил 1 март куни Андижон шаҳрида дехқон оиласида туғилган. Ўрта маълумотни 1902 – 1916 йилларда ўша даврдаги эски мактабларда олган. Шароит оғирлиги сабабли у оиласига ёрдам бериш мақсадида 1912 йили Андижон почтасига газета сотувчиси бўлиб ишга киради. Бу даврда Балқонда бораётган уруш

ҳақидаги маълумотлар Андижондаги илгор фикрловчи инсонларнинг кўпчилигини қизиқтирар эди. «Газеталарни ўқиганим сари менда матбаачилик ишига катта қизиқиш уйғонди. Мен сўзга меҳр қўйдим» – деб ёзади Вали Мақсудов ўз таржима ҳолида.

Шўро давлати ўрнатилгандан сўнг у бойларнинг уйидаги китобларни йигиш ва улар асосида шаҳар кутубхонасини ташкил этиш ишларида иштирок этди. 1917 – 1927 йилларда Андижон шаҳар ҳалқ таълими қошидаги ушбу кутубхонанинг мудири бўлиб ишлади. Кутубхоначилик иш фаолиятини 1917 йил деқабрда бошлаганлиги ҳақида маълумотни Вали Мақсудовнинг ўз қўли билан ёзилган ҳужжатлар орқали биламиз. Шунингдек, у жаматчилик асосида 1920 – 1923 йиллар мобайнида Вали Мақсудов «Матбаачи», «Қизил клуб», «Қизил кўш», «Ёшлар саҳифаси», «Қизил йўл» рўзномаларига мухаррирлик қилган.

Вали Мақсудов бу нашрларнинг сақланиб қолган нусхаларини кейинчалик 1959 – 1963 йилларда Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи республика музейи, Андижон ўлкашунослик музейи ва Тошкент тарих музейига тақдим этади.

1921 – 1927 йилларда Вали Мақсудов Маданият ва маориф ходимлари касаба уюшмаси бошқаруви раиси сифатида ҳам фаолият олиб борган. Бинобарин, бир одам шунча ишга қандай улгурди экан-а, деган ўй билан бу инсонга, устозимизга бўлган хурматимиз янада ошади.

Вали Мақсудов хизматлари ҳукумат томонидан юксак баҳоланиб, у 1927 йил 7 ноябрда «Маориф ишлари қаҳрамони» увонига сазовор бўлган ва 1967 йили ҳукуматнинг «Фахрий ёрлиги» билан мукофотланган. 1970 йилларда миллий-маърифий ишларга ҳам дадиллик билан қўл урилди. Амалга оширилган кенг маънавий-маърифий ишлардан бири – ахолидан Шарқ қўллэзма ва тошбосма асарлари

сотиб олиш учун маблағ ажратилди. Бу ҳақда матбуотда эълон қилиниб, бир гурӯҳ зиёллилар: шоир Улфат, Омонулло Валихонов, Мирпошша Ҳабибов, Ҳошимжон Рассоқов, Сайфиддин Жалилов ва китобдор Вали Мақсудовлардан иборат маҳсус комиссия тузилди. Аҳолидан китоб сотиб олиш комиссияси вилоят кутубхонасида иш бошлади. Тез фурсатда аҳолидан анчагина китоб сотиб олинди.

Шу тарзда сотиб олинган китоблар ҳисоби вилоятимиз кутубхонасида ҳисобга олиниб, уларга тартиб берилди ва маҳсус «Қўлёзмалар фонд» ташкил қилинди. Ушбу фондга мудир қилиб сабиқ кутубхоначи, шарқ тиллари билағони Вали Мақсудов тайинланди. У 1968 – 1981 йилларда 610 та китоб фондига эга бўлган «Қўлёзма ва нодир» китоблар секторига етакчилик қилди. Бу ерда ўзбек мұмтоз адабиёти ва тарихига оид, «Чор китоб», «Қофиё», «Тафсири Таборак» каби китоблар тўпланди. Абу Наср Фаробий, Замахшарий каби Шарқнинг машҳур олимлари асарлари билан бойитилди. Ўзбек-араф ёзувларининг чуқур билимдони бўлган Мақсудов Вали Мақсадович араб ёзувидаги нодир китобларни қайта ишлаш бўйича доимий иш олиб борган, мавжуд барча китобларни эринмай тартиб-рақамлаб чиқкан. Китобхонлар учун кенг тарзда адабий кўргазмаларни ташкил қилиш билан бирга, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида гоят қизиқарли сұхбатлар, ўтказ.

Вали Мақсадов томонидан 1968 – 1981 йилларда ташкил қилинган «Нодир қадими китоблар» билан таниширувчи кўргазмаси – вилоят олий ўқув юртларининг илмий ходимлари ва ёшларни шу секторга қилган эксперсияси давомида кенг қамровли таассуртлар олишига имкон берди.

Унинг шахсий кутубхонасида машҳур Исмоил Гаспринский таҳрири остида Қrimda чиқкан «Таржимон» (араф алифбосида) номли ҳамда «Садойи Фарғона» газеталарининг эски тахламлари ҳам сақланарди. Вилоятимиз кутубхонасига шарқ қўлёзмалари фонди мудири лавозимига ишга олингач, Вали Мақсадов ўз кутубхонасидан мана шу газета тах-



ламларини ҳам көлтириб қўйгани ҳақида андижонлик йирик тарихчи олим Сайфиддин Жалилов айтиб айтган.

Умрдаги барча рўшноликларнинг замирида сабр ётади, дейди доно ҳалқимиз. Андижон шаҳрининг Эркин маҳалласида истикомат қилган Мақсадов Валижон аканинг ҳаётидаги ҳам оғир кунлар кўп бўлди. Чет элда таҳсил олганлиги сабабли қатағон йилларининг суронли синовларини бошидан ўтказди. 1922 йили эса оиласида катта йўқотишлар бўлди – онаси, синглиси ва 4 нафар кичик фарзандлари вафот этди. Ҳаётнинг бу зарбаси учун жуда оғир кечди. Лекин яқинларининг мадади бу кунлардан ўтишида таянч бўлди. Яна ҳам ишга берилди.

Бобур номидаги вилоят Ахборот-кутубхона марказида «Кутубхона – миллий тараққиёт кўзгуси» номли алоҳида музей ташкил этилган. Бу музейда Вали Мақсадовнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларга эга бўламиз. Кутубхонадаги ҳар бир ходимимиз бу том маънодаги зиёли инсоннинг хотирасини қадрлаб, доимо ҳурмат билан ёдга олади.

Ўзбек-араф ёзувларининг чуқур билимдони бўлган Мақсадов Вали Мақсадович араб ёзувидаги нодир китобларни қайта ишлаш бўйича доимий иш олиб борган, мавжуд барча китобларни эринмай тартиб-рақамлаб чиқкан

Шохида Шокирова, ведущий библиотекарь Информационно-библиотечного центра имени Бабура Андижанской области

В статье представлена информация о старейшем библиотечном работнике информационно-библиотечного центра Вали Мақсадов, в который был одним из организаторов Центральной мусульманской библиотеки, ответственным редактором около 10 видов печатных изданий на узбекском языке. Заведуя сектором редких книг в Андижанской областной библиотеке и хорошо зная староузбекскую письменность на основе арабской азбуки, он составлял аннотации к рукописям, написанных арабским шрифтом. ■